19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
19:40 «Клон» т/с (56-қисм)
20:30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «25-кадр» кинокўрсатув
21:30 «Иқтисодия жомас» б/ф
23:45 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
23:50 «Муслик вақти» дастури
00:00 Тунги кинозал: «Холодная гора» б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Чоршанба

06:00 «Файли тоғи» дастури
08:30 «Форму хабарлари» кўрсатув
08:40 «Муслик вақти» дастури
09:00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
09:20 «Мангу севги» т/с (56-қисм)
09:50 «Бизнес-промо»
10:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
10:10 «Бургут қасоси» б/ф
11:45 «Муслик вақти» дастури
12:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 «Золотой фонд Узбекской живописи»
12:30 «Супер келинчак» теле-шоу
13:00 «Онлайн хабарлари»
13:05 «Риддик йилномаси» б/ф
15:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
15:10 Ешлар студияси: «Келажак билан юзма юз» кўрсатув
15:20 Ҳужжатли фильм
15:45 «Муслик вақти» дастури
16:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
16:05 «Клон» т/с (56-қисм)
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Форму хабарлари» кўрсатув
17:15 «Ивойта вағдал» кўрсатув
17:30 Форму вақти
18:00 «Янги алоқа» студияси намойиш этиди
18:10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф
18:30 «Мангу севги» т/с (57-қисм)
19:00 «Муслик вақти» дастури
19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
19:40 «Клон» т/с (57-қисм)
20:30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Тоғийна» кўрсатув
21:30 «Телефон» б/ф премьеря
23:45 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
23:50 «Муслик вақти» дастури
00:00 Тунги кинозал: «Кодуны» б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Пайшанба

06:00 «Файли тоғи» дастури
08:30 «Форму хабарлари» кўрсатув
08:40 «Муслик вақти» дастури
09:00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
09:20 «Мангу севги» т/с (57-қисм)
09:50 «Бизнес-промо»
10:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
10:10 «Кўрғул» б/ф
11:45 «Муслик вақти» дастури

12:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 «Менинг максимал» узбекистон кўрсатув
12:30 «Яхши кайфият» кўрсатув
13:00 «Онлайн хабарлари»
13:05 «Удалбурон жомас» б/ф
15:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
15:10 Ешлар студияси: «Келажак билан юзма юз» кўрсатув
15:20 Ҳужжатли фильм
15:45 «Муслик вақти» дастури
16:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
16:05 «Клон» т/с (57-қисм)
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Форму хабарлари» кўрсатув
17:15 «Итервью» кўрсатув
17:30 Форму вақти
18:00 «Янги алоқа» студияси намойиш этиди
18:10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф
18:30 «Мангу севги» т/с (58-қисм)
19:00 «Муслик вақти» дастури
19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
19:40 «Клон» т/с (58-қисм)
20:30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Ендирал қудирал» кўрсатув
21:30 «Дарго виват» б/ф
23:45 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
23:50 «Муслик вақти» дастури
00:00 Тунги кинозал: «Другие» б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

06:00 «Файли тоғи» дастури
08:30 «Форму хабарлари» кўрсатув
08:40 «Муслик вақти» дастури
09:00 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
09:20 «Мангу севги» т/с (58-қисм)
09:50 «Бизнес-промо»
10:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
10:10 «Кечир» б/ф
11:45 «Муслик вақти» дастури
12:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 «Ивойта вағдал»
13:00 «Онлайн хабарлари»
13:05 «Димочик» б/ф
15:00 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
15:10 Ешлар студияси: «Келажак билан юзма юз» кўрсатув
15:20 Ҳужжатли фильм
15:45 «Муслик вақти» дастури
16:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
16:05 «Клон» т/с (58-қисм)
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Форму хабарлари» кўрсатув
17:15 «Ҳайт учун» кўрсатув
17:30 Форму вақти
18:00 «Янги алоқа» студияси намойиш этиди
18:10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф
18:30 «Мангу севги» т/с (59-қисм)
19:00 «Муслик вақти» дастури
19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
19:40 «Клон» т/с (59-қисм)
20:30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Қотқон» кўрсатув
21:30 Титиллар хуржиг б/ф

премьеря
23:45 «Жаҳон НТТ нигоҳида»
23:50 «Муслик вақти» дастури
00:00 Тунги кинозал: «Миротворе-ний» б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

06:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
06:15 «Асрлар садоси» дастури
07:00 «Муслик вақти» дастури
07:30 «Худуд» информацион дастури
07:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 «Янги алоқа» студияси намойиш этиди
08:15 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф
09:00 «Муслик вақти» дастури
09:30 «Comedy.UZ» теле шоу
10:00 «Сени изаб» б/ф
11:30 «Тоғийна» кўрсатув
12:00 «Дилдор ширин» мусиқий-дам олиш дастури
13:30 «Изидаан Жонс» б/ф
15:40 «Муслик вақти» дастури
16:00 «Сугина» аёллар дастури
16:15 «Қотқон» кўрсатув
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Хазина» телешоу висторинаси
18:00 «Итиқом» б/ф (1 қисм)
19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Дилшад ласалар» телешоу
21:00 «Овод шоу» кўнпличар кўрсатув
22:15 «Бил елгиз эмасми?» б/ф (Ахиллестон)
01:15 «Муслик вақти» дастури
01:30 Тунги кинозал: «Переводчи-ца» б/ф
03:30 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:00 «24. Ўзбекистон» ахборот блоки
06:15 «Асрлар садоси» дастури
07:00 «Муслик вақти» дастури
07:30 Информацион блок
07:50 «Форму вақти»
08:00 «Бунга ҳаёт дейдилар» дастури
08:30 Боллар вақти
10:00 «Шу» б/ф
11:45 «Муслик вақти» дастури
12:00 «Файли дастурхон» дастури
12:10 «Овод шоу» кўнпличар кўрсатув
13:00 «Супер келинчак» теле-шоу
13:40 «Дилшад ласалар» телешоу
15:00 «Телефон» б/ф
16:30 «Парламент соати» ахборот-таҳлилий дастури
16:50 «Бизнес-промо»
17:00 «Хазина» телешоу висторинаси
18:00 «Итиқом» б/ф (2 қисм)
19:20 «Бизнес-промо»
19:30 «Тунги студия» кўрсатув
19:50 «Comedy.UZ» теле-шоу
20:20 «Супер келинчак» теле-шоу
21:00 «Дилдор ширин» мусиқий-дам олиш дастури
22:15 «Ҳримечак тўри» б/ф
00:15 «Муслик вақти» дастури
00:30 Тунги кинозал: «Триакчес-кая манга» б/ф
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Болаликнинг масъуд дамлари

Бухоро вилоятида бу йилги ёз мавсумида 18та шахарорти болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай сўлим ва баҳаво масканлардан бири — "Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалига қарашли "Ёш алоқачи" оромгоҳидир.

Дастлабки мавсумда бу ерда алоқа соҳаси ходимлари ишчи-хизматчилари фарзандларидан 120 нафари мазмунли хордик чиқаришти. Ёш дам олувчилар сафида Тошкент шахридан келган бир гуруҳ ўғил-қизлар ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, бу йилги ёзги дам олиш мавсумига ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Каттақон сув ҳавзаси-ю қатор душхоналар, баҳаво ошхонаю доимо саранжом-саришта, тозаозода, ҳаволи мўътадил шинам ётоқхоналар, маънавийат ва маърифат масканидан тортиб спорт майдончаларигача барча-барчаси бугун болалар ихтиёрида.

Биринчи мавсум очилишига бағишланган тантана ҳам тароватли кечди. Номланишлари ҳам ўзига хос, яъни "Орзу", "Кичкинтой", "Камалак", "Камолот" гуруҳлари таркибидagi 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган шўх-шодон ўғил-қизлар қиска вақт ичида меҳрибон тарбиячилари-ю устозлари бошчилигида ўрганган бахтиёр болалик, мустақил Ватан, гўзал дийримизни тараннум этувчи шеър ва кўшиқлардан айтиб, жозибали рақсларга тушиб қарсақлар оғушида қолдилар. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касоба уюмиси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева, "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутиация маркази"

филиали муҳандиси Людмила Кармаеваларнинг дил сўзлари эса барчага шодумонлик бахш этди. Тадбирнинг энг фаол ёш иштирокчилари фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларига муносиб деб топилди. Шуниси эътиборлики, алоҳида эътироф этилган ғолиблар қаторида "Қувнок стартлар" баҳслари ва шахмат-шашка ўйинларининг энгчил ва зукко ишқибозлари ҳам бор.

Пировардида шунини эслатиш ўринлики, бу йилги уч мавсум давомида оромгоҳда 360 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Ўғил-қизлар иштирокида бир-бирдан қизиқарли ва мазмунли тадбирлар, "Барчиной қизлар", "Алпомиш йигитлар" сингари спорт мусобақалари ўтказиш, Бухоронинг бир қатор тарихий қадамжолари — Арк мажмуаси, Сомонийлар боғи, Ситорай Мохи Хоса сингари гўзал ва дилтортар масканларга саёхатлар уюштириш кўзда тутилган. Бу, табиийки, ёш дам олувчилар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади. Болаликнинг масъуд дамларини турли эртак қахрамонларнинг қизиқарли саргузаштларисиз тасаввур этиши қийин. Шунини ҳисобга олиб оромгоҳда вақти-вақти билан Бухоро кўғирчоқ театрининг энг яхши, сара спектакллари намойиш этиши ҳам белгиланган.



Бу йилги уч мавсум давомида оромгоҳда 360 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Ўғил-қизлар иштирокида бир-бирдан қизиқарли ва мазмунли тадбирлар, "Барчиной қизлар", "Алпомиш йигитлар" сингари спорт мусобақалари ўтказиш, Бухоронинг бир қатор тарихий қадамжолари — Арк мажмуаси, Сомонийлар боғи, Ситорай Мохи Хоса сингари гўзал ва дилтортар масканларга саёхатлар уюштириш кўзда тутилган.

Болаларнинг овқатланишидан тортиб уларнинг соғлиғигача, бўш вақтларини қай тарзда ўтказишларидан тортиб "Ёш тарихчи", "Заковат", "Моҳир қўллар", "Компютерчи", "Ёш ижодкор" тўғарақларида фаол иштирок этишларигача — бари тарбиячи ва етакчиларнинг доимий эътиборида. Оромгоҳ бош етакчиси Дилрабо Сайфиддинова, жисмоний тарбия раҳбари Гулизора Хайдарова, сувда сузиш йўриқчиси Акмал Казаков, мусика муаллими Жобир Шоҳимов, хуллас, оромгоҳ бутун меҳнат жамоасининг орзу-ниятлари битта, у ҳам бўлса — ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб камол топишларига муносиб ҳисса қўшиш. Бу эзгу ниятларнинг ушалишига тилакдошимиз.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон" радиоканалининг "Маданий-маърифий, бадний эшитиришлар" муҳарририяси, Ziyonet ахборот-ресурс тармоғи, шунингдек, "Гулхан" журнали ҳамда "Тоғ юлдузи" газетаси ҳамкорликда "Интернет — менинг ҳаётимда" мавзусида танлов ташкил этди.



TANLOV

Интернет — менинг ҳаётимда

"Интернет — менинг тасаввуримда", "Интернет тармоғи — менинг нигоҳимда" йўналишида расмлар чизиш ҳамда "Интернет — менинг нигоҳимда" мавзусида иншо ёзиш танловида умумтаълим мактабларининг 6-9-синф ўқувчилари иштирок этишди. Танлов олинган ижодий иш намуналари www.fikr.uz ҳамда www.ufoqum.uzнинг Ziyonet ахборот-ресурс тармоғи бўлимида намойиш этиб борилди.

Тафаккур оламини АКТ орқали бойтаётган, билимларини чархлаётган,

яхши дўст ва ҳамкор сифатида қайси интернет сайтларидан оқилона фойдаланаётганлигини намойиш этиб бера олган ўқувчиларнинг ишлари муносиб баҳоланди. Танловда иштирок этган ўқувчилар Ziyonet ахборот-ресурс тармоғи ва TPS провайдерининг махсус эсдалик совғаларини қўлга киритишди.

Расмлар чизиш бўйича пойтахтимизнинг Олма-

зор туманидаги 310-мактаб ўқувчилари фахрий ўринга лойиқ топилди. 1-ўринни ушбу мактабнинг 7-Б синф ўқувчиси Доинёр Эргашев, 2-ўринни 6-Б синф ўқувчиси Мафтуна Нигматиллаева, 3-ўринни 8-Г синф ўқувчиси Насибохон Иноғомова, рағбатлантирувчи ўринларни 5-Б синф ўқувчиси Суннатилла Абдувалиев, 5-Б синф ўқувчиси Одинахон Махкамвалар қўлга киритишди.

XXI аср ахборот технологиялари асри экан, эртағамиз эгалари бўлган ёшларимиз интернетдан тўғри фойдалана олаётганликларини, унинг ёрдамида билимларини, ақлий салоҳиятларини бойитиб бораётганликларини ижодий ишлари орқали яна бир бора намойиш қилдилар.

Нигора УМАРОВА

Имкониятлар мевалари

Фарғона вилоятида 9 июн куни "Ўзбекистон маданияти ва саноати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан "Келажак овози-2012" республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг ҳар бир туманидан келган иқтидорли ёшлар қаторида Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалидан "Келажак овози-2012" шаҳар босқичида ғолиб бўлган ўн саккиз нафар иқтидорли талабалари ҳам иштирок этди.

Танлов иштирокчилари ўзларининг айни пайтда шуғулланаётган илмий ва амалий ишлари — Архитектура ва дизайн (либослар дизайни), Архитектура ва интерьер, шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни, Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, Аънавий ва амалий саънат, Бадний ижод ва публицистика каби номинациялар бўйича иштирок этишди. Тадбирнинг очилиш маросими Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ўзбек давлат мусикали драма ва комедия театри биносидида кўтаринки руҳда ўтказилди. ТАТУ Фарғона филиали талабалари ҳам танловда фаоллик кўрсатдилар.

Талабаларимиздан Алишер Маматов, Бахтиёр Хайдаровлар Ахборот технологиялари, рациона-

лизаторлик таклифлари ва техник ишланмалар номинациясининг веб-ишланмалар йўналиши бўйича, Бекзод Абдурахмонов, Элёр Ачилов, Дилноза Ҳакимовалар дастурий таъминот йўналиши бўйича "Келажак овози-2012" республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Талабаларимиз нафақат ўз мутахассисликлари бўйича, балки бўш вақтларида ўзлари севган машғулотлари билан ҳам шуғулланаётганликлари, айниқса, диққатга сазовордир. Биринчи босқичдаги ахборот технологиялари йўналиши талабаси Назира Тешабоевнинг Амалий саънат йўналишида ўзи тўқиган, уй рўзғориде ишлатиладиган буюмлар намойиши ҳакамлар хайъатининг мақтовига сазовор бўлди. Публицистика йўналишида Сардорбек Абдуллаев, Менежмент, маъмурият ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар йўналишида учинчи босқич талабамиз Аъзам Мансуровларнинг ўз ишлари билан танловда муносиб иштирокчилари юқоридаги фикримизнинг далилидир. Филиалда бундай иқтидорли ёшларнинг билим олиши ва юқори натижаларга эришиши, авваламбор, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилган ҳозирги замонавий шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мевасидир.

Тўғтасини НАЗИРОВ,
ТАТУ Фарғона филиали
МТМ бошлиғи



Анъаналарга ҳурмат

Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ОАВ вакиллари саволларига берган жавобларидан келиб чиқадиган хулосалар юзасидан жойларда тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида бўлиб ўтди.

Филиал раҳбарияти ва мутахассислари иштирокидаги давра суҳбатига фарзандларимизни аждодларимиз анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда бағрикенглик, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, шу билан бирга, ёш авлодни фашизм, миллатчилик балоларидан асраш борасида сўз борди.

Эҳтиёт бўлинг, жаҳолат чоҳи!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали бошқаруви ҳамда почта алоқаси тармоқлари раҳбарлари иштирокида "Миссионерлик — жаҳолат чоҳи" мавзусида тадбир ўтказилди.

Афсуски, Ватанимиз тинчлигию халқимиз ҳаловатини бузишга уринаётган ғаламис кучлар учраб турибди. Миссионерлар — ана шулар тоифасидан. Ёшлар, гўр ва билимсиз кишилар эса уларнинг нишонига айланмоқда.

Тадбирда миссионерликнинг салбий оқибатларига батафсил тўхталиб ўтилди, қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан жавоблар олишди.

Тадбир доирасида шу мавзудаги "Қувончнинг қайғуси" деб номланган ҳужжатли филм намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

ФАКТ

2017 йилга бориб, сайёрамизда мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 9 млрд.дан ошади. Уларнинг 85 фоизи юқори тезликдаги 3G мобил интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

(Манба — Ericsson компанияси).



Умри давлатингиз зиёда бўлсин

Халқимизнинг ёши улуғларини асраб-авайлаш, эъзозлашдек эзгу фазилатларига бутун дунё ҳавас қилади. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам бизларга аниқ йўналишлар беради. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва ногиронлари рағбатлантирилаётгани, фронт ортида меҳнат қилганларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар яхши анъанага айланган.

Биз байрам арафасида Содисжон ота Мамаюсупов, Хўжамбува Мамонов, Қодиржон ота Махмудов, Алижон ота Ганиев, Маматқул ота Махкамов қабилар ва салкам ярим аср матбуот тарқатиш соҳасида меҳнат қилган қўқонлик саксон беш ёшли Муаззамхон ая Абдуллаевалар хонадонларида бўлдик. Бизнинг ташир-фимиздан уларнинг бошлари кўкка етди. Ҳурмати баланд нурунийларимизнинг дуолари боисми, ишларимиз кўтли, баракотли бўляпти. Умрлари зиёда бўлсин.

Мухтарам устозимиз, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортидаги фидокорона меҳнатлари учун давлатимизнинг ордено-медаллари билан тақдирланган Муаззамхон ая Абдуллаеванинг дил сўзлари хаёлимиздан кетмайди.

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида, сўнг урушдан кейинги тикланиш йилла-

рида не-не азоб-уқубатларини кўрмадик, қанча аёллар бева-бечора, қанча-қанча болалар етим бўлиб қолди. Биз уруш йўқотишларини бошидан кечирган одамлар учун бугунги дорилонмон замонада яшаш нечоғлиқ қувончли эканлигини тасаввур эта олмайсиз, — дейди онахон. — Юртбошимизнинг биз кексаларга, ёшларга алоҳида эътибор бераётганларидан бениҳоя миннатдоримиз. Икки дунё саодатини кўрсинлар. Элу юртимизни хар қандай бало-қазолардан асраш йўлидаги саъй-ҳаракатларини айтинг. Бу тинчлик, бу хотиржамлик ҳеч ерда йўқ. Ўтган йилларда она шахримиз — Қўқон қайта қурилиб, ўзгача чирой касб этган бўлса, аини кунларда Фарғонамизда қатта қурилиш ишлари кетмоқда. Яқинда неваралар бориб келишди. "Шундай гўзал, шундай мафтункор, замонавий



FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

шаҳар бўляптики, бувижон, борсангиз танимайсиз!" дейишди. Шу кунларга етказганига шукр. Тинчлигимизга, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин...

Онахон турмуш ўртоғи Неъматжон ака ҳамда ўғли Нуъмонжонлар халқ тинчлиги-осойишталиги йўлида узок йиллар ички ишларда хизмат қилганликларидан фахрланиб сўзлади.

Нигоҳларида нур балқиб турган Муаззамхон аянинг ҳикояларидан бир олам мазмун-маъно уқасиз. Ёш авлод-

нинг ота-боболар анъаналарини давом эттириши, бебаҳо қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаш учун отахон ва онахонлар ҳузурда бўлиб, суҳбатларидан тез-тез баҳраманд бўлиб туришлик қанчалар муҳимлигини юракдан ҳис этдик.

Башоратхон ЖАЛИЛОВА,
Фарғона вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси директори



"Ўзбектелеком"

акциядорлик компаниясининг
акциядорлари диққатига!

"Ўзбектелеком" АК акциядорларининг умумий йиғилиши
2012 йил 23 июн куни соат 10:00да Тошкент шаҳри, А.Темур
кўчаси, 7/8-уйда жойлашган "DEDEMAN SILK ROAD"
меҳмонхонасининг конференц-залида бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

1. "Ўзбектелеком" АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. "Ўзбектелеком" АКнинг 2011 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
3. "Ўзбектелеком" АКнинг 2011 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. "Ўзбектелеком" АКнинг 2011 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. "Ўзбектелеком" АКнинг 2011 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.
6. "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йилга аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматида тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
7. "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгашининг 2011 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.
8. "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибининг сайлаш тўғрисида.
9. "Ўзбектелеком" АК Тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибининг сайлаш тўғрисида.
10. "Ўзбектелеком" АК бошқарув ва ижроия органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
11. "Ўзбектелеком" АК бош директори билан тузилган меҳнат шартномасининг бир йил муддатга узайтириш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки уларнинг вакиллари нишанаси билан тақдирда тасдиқланган нишоннома билан келишлари шарт.

Умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2012 йил 23 июнда соат 9:00дан 10:00гача амалга оширилади.

Умумий йиғилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан А.Темур кўчаси, 24-уйда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 239-23-55, 239-23-78, 234-95-71.

"Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши

Халқимизда "Буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин" деган ажойиб мақол бор. Дарҳақиқат, бирор хонадонга борсангиз, гарчи дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташласа-ю, бироқ самимият билан муомала қилмаса, сизга ҳеч нарса татимайди ва бу ердан тезроқ чиқиб кетгингиз келади. Демак, муносабатларнинг илик бўлишида ширин сўз ҳамда очик чехранинг аҳамияти катта.

Оилада ҳам шундай. Агар оила аъзолари ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишса, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилишса, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин бўлади.

Мархабо опа анча югур-югурлар, яхши орзу-умидлар билан хонадонига келин туширди. Келин ҳам опа орзу қилганидай чаққон, пазанда, озода экан. Сахар туриб, ҳовли ва дарвозахоналарини чинидай тозалаб қўядиган келини кўп ўтмасдан ота уйига кетиб қолди. Уни бориб олиб келишга ўйида ҳам, ота-онада ҳам журъат етишмади. Тўғрироғи, гурурийўл қўймади. Қуда томон ҳам нима учун бундай бўлганига қизиқиб кўришмади. Ўртада ёшларсарсонликдақолишди. Нимақилишни билмай боши қотган Мархабо опа кўшниси Сарви холадан маслаҳат сўрашга қарор қилди. Кўпни кўрган тажрибали аёл, етти келини ҳам унинг измидан чиқмайди, бирор жўяли маслаҳат берар, деб ўйлади.

Кўшнисининг дардини обдон эшитган Сарви хола унга ўз бошидан кечирган бир воқеани гапириб берди.

— Ўшанда биринчи келиним Мавлудахонни туширган пайтларим эди, — дея гап бошлади онахон. — Хали келиним уйимга келмасидан олдин айрим "дўст" ларим келинга бўш келмаслик кераклиги ҳақида обдон уқтиришди. "Уйимга келин келди, деб уни эркалатма, бошингга чиқиб олади. Биринчи кундан айтганингни қилдириб ўргат", дейишди улар. Ёшлик қилдимми ёки ўзи аслида меҳрим

каттиқ эканми, биринчи кундан унга кулиб қарамабман. Оддий ишларни ҳам буйруқ тарзида айтиб, уни роса югуртирибман. Бу ҳам бировнинг сеvimли қизи бўлса, менинг уйимдаги шароитни билмаса, деб унга ёрдам бериш ўрнига хатто ота уйига боришга бир ойда бир марта рухсат берибман. Халиям қудаларимга раҳмат, бир овиз ёмон гапиришмади. Мавлудахон ҳам сабр-тоқат билан чидади. Хаммасини қизим Саидани узатиб, бошимга тушгач билдим. Қизим эрка ўсан эмасми, сал нарсага аразлаб келаверди-келаверди. Бир кунни нима дейди, денг? Қайнонаси унга кулиб гапирмас, ҳар бир гапни буйруқ охангида айтар эмиш. Қизим билан бирга бориб қудала-



Тилингни ширин қил, юзингни иссиқ

Агар ота-она фарзандлари, келин-куёвларига меҳр кўрсатишса, камчиликларини ётиғи билан тушунтиришса (ким ҳам хато қилмайди), содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди олинган бўларди.

жойига қўйишади. Ахир, яхши гап жон озини деб бежиз айтишмаган.

Сиз ҳам Мархабохон, гурурни йиғиштиринг. Фарзандингиз келажagini ўйланг. Биринчидан, тўй қилиш осон эмас. Ортиқча харажату югур-югурлар кимга керак? Қолаверса, ўғлингиз билан келиннингиз бир-бирларини севишиб, синашиб турмуш қуришган бўлса. Келиннингиз ёмон эмас. Қудаларингизни кўрдим, яхши одамлар экан. Хушмуомала, маданиятли. Бундай одамларнинг фарзанди ёмон бўлмайди. Хўп десангиз, эртага иккимиз бориб, келиннингизни олиб келайлик. Нима дейсиз?

Сарви холанинг гапларини эшитиб, хижолатдан нима қилишни билмай ўтирган Мархабо опа хурсанд бўлиб кетди. Шу тариқа яна бир оилاداги кўнгилхаликка барҳам берилди.

Дарҳақиқат, янги турмуш қурган ёш оилалар мустақкамчилигини сақлашда кекса авлод вакилларининг ҳам муносиб ўрни бўлмоғи лозим. Улар қанчалар босиқ, мулоҳазали бўлишса, вазиятта шунчалар ҳолисона баҳо бера олади. Қолаверса, уй тутуш, бошқалар билан муомала масаласида шахсий ибрат муҳим рол ўйнайди. Бошқалар сизга қандай муомалада бўлишларини истасангиз, ўзингиз ҳам уларга шундай муомала қилинг, дейишади доноларимиз. Агар ота-она фарзандлари, келин-куёвларига меҳр кўрсатишса, камчиликларини ётиғи билан тушунтиришса (ким ҳам хато қилмайди), содир бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди олинган бўларди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Оила и тилин бўлсин десангиз...

● Ўзаро муносабатларнинг яхшиланishi ёки ёмонлашishi маълум вақт давомида йиғилиб қолган муаммолар, салбий ёки ижобий вазиятлар туфайли келиб чиқади.

● Оила аъзолари бир-бирларини танқид қилиш, ўзаро баҳслашишдан қочишлари лозим. Бу каби салбий ҳолатлар қутулмаган кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг оқибатида ўзаро муносабатлар салбий томонга ўзгаради.

● Агар оилادا салбий фикр ва таъналар кўп тилга олинса, ўртадаги муносабатларнинг яхшиланishi кетишига қиммат соғалар ҳам ёрдам бера олмайд.

● Оилангиздагилар билан муносабатингиз ёмонлашган бўлса, аввало пайдо бўлган муаммонинг асл сабабини бартараф қилиш, фақат шундан кейингина яқинлар кўнглига йўл топиш мумкин.

● Ўзини ва атрофдагиларни кечира билмаслик инсоннинг энг катта камчилиги. Бу яшашни оёирлаштиради.

● Баъзан зиддиятлар юзага келганида, яқинлар билан масофа сақлаш ҳам фойда келтириши мумкин.

Меҳр

Сўх тумани телекоммуникациялар боғламасида алоқачилик касбига меҳр қўйиб, вазифасини сидқидилдан бажараётган фидойи алоқачилар кўпчилигини ташкил қилади.

Шулардан бири Ҳакимжон Муродовдир. У 1978 йилдан ҳозиргача боғламада электромеханик вазифасида ишлаб, ўзининг тиришқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги, одоб-муомаласи билан жамоадорларни ҳамда мижозлар ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Боғламада турли байрам тадбирларини ташкиллаштиришда, деби-

торлик қарзларини қамайтиришда муносиб ҳисса қўшаётир.

Алоқа фидойиси Х.Муродов ишдан бўш пайтларида дехқончилик ишлари билан ҳам шуғулланиб, халқимиз дастурхонини тўқин-сочин бўлишига ҳисса қўшаётир. Олинаётган даромад ҳисобига янги уй қуриб, енгил автомашина сотиб олди.

Ҳакимжон Муродов тумандаги "Навобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги бахтли оилалардан. Турмуш ўртоғи Ҳабихахон билан тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб, воёга етказишди. Фарзандлари ҳам юрт қорига камарбаста бўлишпти.

Асқарали АНБАРЖОНОВ

ТАТУчилар ғолиб

Фарғона шахрида "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ташаббуси билан "Еш тадбиркорлар форуми" ўтказилди.

Ушбу тадбирда вилоятдаги олийгоҳларда таълим олаётган тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи ёшлар гуруҳлари қатнашишди. Гуруҳларга бўлинган бўлажак тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан қониқарли жавоб олишди.

Тадбир якунида Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали талабалари гуруҳи тадбиркорликка оид долзарб ноялари билан фаол иштирок этиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Фарғона Давлат университети ва Фарғона политехника институти талабаларига насиб эди.

Ғолиблигини ағаллан талабалар тадбир ташкилотчиларининг дипломи ва қўimmatбаҳо эсдалик соваллари билан тақдирландилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Мустаҳкам оила — жамият таянчи

Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида вилоятдаги 59043-ҳарбий қисм билан ҳамкорликда 2012 йил — Мустаҳкам оила йилига бағишлаб "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни вилоят ахборот-кутубхона маркази кутубхоналараро абонемент сектори мудираси А.Ҳожиева очиб, Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддаслиги, соғлом авлодни камол топтириш, оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Урганч шаҳридаги 59043-ҳарбий қисм командири, подполковник Алишер Эрматов сўзга чиқиб, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитда тарбия топган болалар Ватан равнақи учун ўз хиссасини қўша олиши, жамият манфаатини ўз манфаати билан муносиб олиб борадиган инсон бўлиши, ҳар жиҳатдан соғлом, мустаҳкам бўлган оилани вуқудга келтириш ҳар бир ота-онанинг бурчи эканлиги тўғрисида гапирди.

Тадбирда Урганч шаҳри ўсмирлар поликлиникаси акушер-гинеколог Гавхаржон Бобомуродова болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш, янги туғилган ча-

қалоқлар ҳамда ҳомиладораёлларда туғма ва бошқа касалликларни аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, давлатимиз томонидан оила ва аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига ҳар томонлама эътибор берилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда катнашган 54178-ҳарбий қисм подполковниги А.Шарипов миллатимиз тарихида энг қимматли анъаналардан бўлган ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар энг аввало оилада шаклланиши борасида, оила муқаддаслигини таъминловчи оила бекасининг покизалиги, оқиллиги, садоқати тўғрисида ўз фикрларини билдирди.

Тадбир сўнгисида "Оила маънавият кўзгуси" деб номланган китоб кўرғазмаси намоиш қилинди.

А.ҲОЖИЕВА,
Хоразм вилоят АКМ кутубхоналараро абонемент сектори мудир



Гиёҳвандлик — умр заволи

Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилаётган мард ва жасур ўғлонлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Кутубхона ходимлари тез-тез улар ҳузурда бўлиб, турли оммавий тадбирлар ташкил этишмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" юзасидан 53804-51281-ҳарбий қисмларда А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

"Гиёҳвандлик — умр заволи" мавзусидаги давра суҳбатини қисм командири ўринбосари Исмоил Муҳаммадов очиб берди.

Дастлаб вилоят наркология диспансери томонидан тақдим этилган видеоролик намоиш этилди ва шу мавзу юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси тезкор вакили Фахриддин Мухаммедов маъруза қилди. "Гиёҳвандлик инсон умрини издан чиқарувчи, инсонийлик қиёфасини батамом йўқотишига сабаб бўлувчи жирканч иллат ҳисобланади. Умр инсон учун берилган энг буюк неъмат бўлиб, уни энг эзгу мақсадлар йўлида сарфлаш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда, соғлом турмуш тарзи шioriнгиз бўлсин" дея фикр билдирди маърузачи.

Шундан сўнг вилоят наркология диспансери эксперт-врачи Каромат Шойимова "Оилаларимизни гиёҳвандликдан асрайлик" мавзусида маъруза қилди ва унинг домига осонгина тушиб қолган, ҳаётини бутунлай издан чиқарган аянчли тақдир эгалари ҳақида мисоллар келтирди.

Маърузачилар тадбир иштирокчиларининг барча саволларига атрофлича жавоб беришди.

Жамила БОБОМУРОДОВА,
Навоий вилояти АКМ бўлим мудир

Реклама ва эълонлар

SHE'RIYAT BO'STONI ҚАЛБИМДАГИ МАРВАРИД

Қалбимдаги севинч-у дардларимга қоришиб,
Куртак ёзар шеърларим иозик туйғуларимдан.
Ичимдаги исёнкор хислар билан олишиб,
Халос этар ҳар лаҳза ғам ва қайғуларимдан.
Қалбимдаги марварид, маржонимдир шеърият,
Ҳаётимнинг мазмуни, тан жонимдир шеърият.

Жавоҳирлар тўплами олмос мисол шеърларим,
Ҳар сатрида жозиба, ҳар сатрида мўл меҳр.
Қорачиқдай асрайман Аллоҳнинг инъомин,
Шеърият бу илоҳий мўъжиза, куч ва сеҳр.
Қалбимдаги марварид, маржонимдир шеърият,
Ҳаётимнинг мазмуни, тан жонимдир шеърият.

Менинг ёлғиз сирдошим, оромимнинг ўғриси,
Буюк орзуларимга чорлагувчи йўл, қарвон.
Суюнгани суюнчим, қоқилганда таянчим,
Ҳақ йўлида сарбоним, ҳамроҳим эрур ҳар он.
Қалбимдаги марварид, маржонимдир шеърият,
Ҳаётимнинг мазмуни, тан жонимдир шеърият.

ХУР ЎЛКАМНИНГ...

Кувончлардан юз-у қўзим кулади,
Бахт айланиб ёш бошимга қўнади,
Ниҳол каби умидларим унади,
Хур ўлкамнинг оёзд, эркин қизиман.

Шаббодалар сочларимни силайди,
Ўки, дея онам оқ йўл тилайди,
Барча дилда озодликни қуйлайди,
Хур ўлкамнинг озод, эркин қизиман.

Ўзбекман-да дилда имон, орим бор,
Куйлай десам жаранглаган торим бор,
Йўлим кутган қанча-қанча зорим бор,
Хур ўлкамнинг озод, эркин қизиман.

Гулзор тўла қизғалдоғим, райхоним,
Оқдарёйим менинг жону жаҳоним.
Илм излаб ўтар бахтли ҳар оним,
Хур ўлкамнинг озод, эркин қизиман.

Чарос ҚУРБОНОВА

SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖда

ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида хабарнома

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ тизимида 2012 йил 1 январдан 2012 йил 05 июнга қадар бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари савдоларида жами 1401694 минг сўмлик 61та кўчмас мулк объектлари сотилди.

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147- қарори асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг 2012 йил 7 май кунда бўлиб ўтган танлов савдоси натижалари

Объект номи	Жойлашган манзили	Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўмда)	Танлов ғолибининг тақлифи
60 кв.мдан иборат Курилиш моллари дўкони қуриш учун	Жондор туман Самончиқ ҚФЙ Мурғак қишлоғи	18750	60 000
140 кв.мдан иборат Минимаркет биноси қуриш учун	Жондор туман Самончиқ ҚФЙ Мурғак қишлоғи	43750	100 000

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖда 2012 йил 30 апрелдан 30 майгача бўлиб ўтган аукцион савдо натижалари

Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
2-сон ер участкаси	Қоракўл туман Чекирчи МФЙ ҳудуди	160800	250000
4-сон ер участкаси	Қоракўл туман Чекирчи МФЙ ҳудуди	160800	257600
6-сон ер участкаси	Қоракўл туман Чекирчи МФЙ ҳудуди	160800	250 000
21-сон ер участкаси	Қоракўл туман Чекирчи МФЙ ҳудуди	160800	250 000
22-сон ер участкаси	Қоракўл туман Чекирчи МФЙ ҳудуди	160800	250 000
1-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
2-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	700000
3-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
4-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
5-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	740000
6-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
7-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
8-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
9-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	760000
10-сонли ер участкаси	Жондор туман Алели ҚФЙ Работ қишлоғи	497600	750000
1-сонли ер участкаси	Жондор туман Самончиқ ҚФЙ Самончиқ қишлоғи	372200	550 000
1-сонли ер участкаси	Жондор туман Ромиш ҚФЙ Оқтепа қишлоғи	373200	520 000
Кўп қаватли турар жой биноси қуриш учун	Бухоро шаҳри А.Сомий кўчаси ҳудудидан	59 874 000	78 000 000

Хизматлар лицензияланган

"GRANIT" илмий ишлаб чиқариш давлат унитар корхонасининг 20.01.98 йилда берилган 1008030320002-сонли Кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Волейбол

"Ўзбектелеком" — ҒОЛИБ!

Волейбол бўйича Эркаклар ўртасида XX Ўзбекистон чемпионати Самарқанднинг "Ўзбектелеком" жамоаси ғалабаси билан якунланди.


Олий лиганинг энг кучли олти жамоаси иштирокида ўтказилган чемпионатнинг финал баҳсида самарқандлик волейболчилар пойтахтнинг "Молиячи" жамоасини 3:0 ҳисобида енгди ва бош соврин соҳиби бўлди. Учинчи ўрин "Южанин" (Навий) жамоасига насиб этди.

Эркин кураш

Уч олтин ва бир кумуш

Жорий йил 27 июл — 12 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларининг эркин кураш мусобақасида Ўзбекистон шарафини Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, Ихтиёр Наврўзов, Заурбек Сохиев, Қурбон Қурбонов ва Рашид Қурбонов ҳимоя қилади. Эркин курашчиларимиз ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Украинада эркин кураш бўйича ўтказилган "Қора денгиз" халқаро турнири ўзбекистонлик полвонлар учун Лондон Олимпиадасига тайёргарлик босқичи вазифини ўтади. Унда мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Канада, Ҳиндистон, Озарбайжон, Молдова, Беларус каби мамла-



катлардан юз нафарга яқин полвон иштирок этди.

Энг оғир — 120 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган икки карра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ролиби Артур Таймазов украиналик Иван Ишченко ва Мурадин Қушхонви енгди, финалга чиқди. У ҳал қилувчи беллашувда

қозовистонлик Таймураз Тигиевни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

66 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда иштирокчиларнинг икки карра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ролиби Артур Таймазов украиналик Иван Ишченко ва Мурадин Қушхонви енгди, финалга чиқди. У ҳал қилувчи беллашувда

катлардан юз нафарга яқин полвон иштирок этди.

Энг оғир — 120 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган икки карра Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ролиби Артур Таймазов украиналик Иван Ишченко ва Мурадин Қушхонви енгди, финалга чиқди. У ҳал қилувчи беллашувда

Бадий гимнастика

Вакилларимиз шоҳсупада

Россияда бадий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда спортчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медалга сазовор бўлди.

Халқаро гимнастика федерацияси мусобақалари тақвимида жой олган мусобақада мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Франция, Люксембург, Беларус, Эстония, Туркманистон каби мамлакатлардан 5 ёшдан 20 ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

1997 йилда тузилган қизлар мусобақасида иктидор-

ли гимнастикачимиз Валерия Давидова кўпкураш беллашувларида энг кўп — 102,3 балл жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

1998 йилда тузилган қизлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида маҳорат кўрсатган умидли спортчимиз Самира Амирова ҳам ўз тенгқурлари ўртасида энг юқори кўрсаткични қайд этиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Ўн ёшгача бўлган гимнастикачилар баҳсида Асал Икромова учинчи ўринни эгаллади.

Футбол



Ёшлар терма жамоаси Непалга жиғнаб кетди

13 июн куни Ўзбекистон (U22) терма жамоаси Непалга йўл олди. Алексей Евстафеев бошқарувидаги жамоа илк марта ташкил этилаётган 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш турнирида иштирок этди.

Китба чемпионатида йўл олиш учун мезбон Непал ва Ўзбекистондан ташқари Бангладеш, Иордания ва Яман терма жамоалари ҳам кураш олиб боришди.

Регламентга кўра, гуруҳда энг яхши натижа қайд этган иккита мамлакат 2014 йилнинг январ ойида ўтказиладиган Осиё чемпионатида чиптани қўлга киритади, дея хабар беради ЎФФ матбуот хизмати.

Велоспорт

Сергей Лагутин маррада биринчи



Лондон Олимпиадасига шухта тайёргарлик кўраётган велопойгачимиз Сергей Лагутин Швейцарияда ўтган нуфузли мусобақада маррага биринчи келди.

Дунёнинг энг кучли спортчилари қатнашган "Grand Prix du canton d'Argovie" велопойгасида Сергей Лагутин 181,5 километрлик масофани 4 соат, 26 дақиқаю 10 сонияда босиб ўтди. Моҳир спортчимиз пойга давомида ғолибликка асосий даъвогарлардан россиялик Владимир Гусев ва австриялик Георг Прайдлери орта қолдириди.

1964 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган "Grand Prix du canton d'Argovie" велопойгасида шу пайтгача атиги саккиз мамлакат — Швейцария, Белгия, Италия, Германия, Франция, Нидерландия, Латвия ва Словакия велоспортчилари ғалаба қозонган эди. Энди улар сафига Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Сергей Лагутин ҳам қўшилди. Моҳир спортчимиз ушбу мусобақада олтин медални қўлга киритган биринчи осиёлик велопойгачидир.

С.Лагутин 1981 йили Фарғонада тузилган. Фаолияти давомида кўплаб нуфузли мусобақаларда шоҳсупага кўтарилган. Жумладан, 2003 йили Канаданинг Гамилтон шаҳрида велоспорт бўйича 23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган. Велоспорт бўйича мамлакатимизнинг кўпкарра чемпиони Белгия, АҚШ, Австралия, Жанубий Корея, Люксембург, Франция, Швейцария каби мамлакатларда ўтказилган велопойгалар ғолиб ва совриндоридир.

Ўтганларнинг охири ошди

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси Андижон филиали директори Турсунбой Тешабоевга волида мухтарамаси

Сайлихон аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Шахмат

Гроссмейстеримиз — халқаро турнир ғолиби



Бирлашган Араб Амирликларида шахмат бўйича "Абу Даби-2012" блиц-турнири ўзбек гроссмейстери Сергей Қаюмов ғалабаси билан якунланди.

Мусобақада мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Ҳиндистон, Миср, Сурия, Филиппин ва Покистон каби мамлакатлардан ўттизга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди. С.Қаюмов тўққиз имкониятдан 8,5 очко жамғариб, мағлубиятсиз дона сурган ягона шахматчи сифатида бош совринни қўлга киритди.



Катта футбол байрами

Шу кунларда дунё нигоҳи Полша ва Украина яшил майдонларига қаратилган. Европа чемпионати ишқибозлар учун футбол байрамини тухфа этмоқда.



Бўлиб ўтган ўйинлар натижалари билан танишинг:

- 1-тур
 Полша — Греция — 1:1
 Россия — Чехия — 4:1
 Голландия — Дания — 0:1
 Германия — Португалия — 1:0
 Испания — Италия — 1:1
 Ирландия — Хорватия — 1:3
 Франция — Англия — 1:1
 Украина — Швеция — 2:1

- 2-тур
 Греция — Чехия — 1:2
 Полша — Россия — 1:1
 Дания — Португалия — 2:3
 Голландия — Германия — 1:2



Адҳам Ҳамдам ҳангомалари

Адҳам Ҳамдам юртимиздаги кулги даргаларидан бири эди. У кишини чуқур ҳурмат билан "Фаргона Афандиси" ҳам дейишарди. Юсуфжон кизик Шакаржонов: "Адҳам Ҳамдам борган жойда бизнинг ўрнини босавради", деган экан. Хорижа бориб келган шоир Анис Абдуразоқнинг ёзишча, Франциядаги "Юманите" газетаси мухarrisининг ишхонаси пештоқида "Адҳам Ҳамдам — Шарқнинг бетакрор ҳажвчиси" деган битик бор экан. Ёзувчи Муроджон Мансуров Адҳам Ҳамдам ҳақида "Аллома одам" деган роман ёзган. Қуйида Адҳам Ҳамдамнинг турли йилларга дахлдор ҳангомаларидан намуналар ўқийсиз. Ҳангомаларни Адҳам Ҳамдамнинг ўғли, "Xabar"нинг Наманган вилоятдаги мухбири Пўлат Ҳамдам ёзиб олган.



"Навоийга салом айт!"

Урушдан олдинги Самарқанд. Буюк Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига кизгин ҳозирлик кетяпти. Таниқли шоирлар Ҳамид Олимжон, Насрулло Даврон, Ўткир Рашид, Ёлқин — тўй комиссиялари етакчиси. Адҳам Ҳамдам эса хайфат котиби. Хужжат тайёрлаш, маблағ ундириш каби ташкилий ишларни бошқариш котиб зиммасида. Бир куни у обкомнинг ўша даврдаги биринчи котиби Константин Виноградов хузурига киради.

— Нима гап? — сўрайди котиб.

— Шоир Алишер Навоий юбилейи яқинлашмоқда. Мана бу хужжатларга имзо

қўйиб берсангиз.

— Что говориш? Навоий подождёт, бошқа ишлар ҳам бошдан ошиб ётибди, — дейди у. — Ҳозир шоир-поир билан шуғулланганидан пайт эмас.

Адҳам Ҳамдам иккинчи куни ҳам саркотибдан рад жавобини олгач, "шум" лиги тутади.

— Э, ишлар чаток, — дейди яна саркотибга рўпара бўлиб. — Ҳозир Усмон Юсупов кўнғироқ қилдилар. Балога қолдик. Вақтида имзолаб бермадингиз.

— Нима бўлди?

— Бугун Алишер Навоий хазратлари Москвадан Тошкентга келибди. Эртага Са-

марқандда бўларкан.

— Сен шоир... Навоий Москвадан келгунча қараб туравердингми? — дейди бирдан хушёр тортган котиб. — Эртага Самарқандга келса, уятдан ўламинг-ку? Обке хужжатларингни, ҳаммасига қўл қўйиб бераман. Яна нима керак? Менга қара, эрталаб енгил автомашинами олгин-да, Навоийни ўзинг кутиб олиб, тўғри хузурингга олиб кел. Тушундингми?

— Ундай қилолмайман, воқалга Усмон Юсуповнинг ўзлари чиқаркан.


— Нима дединг? — Виноградов шундай деб ўрнидан сапчиб кетади.

Кўчқор

Адҳам Ҳамдам катта йнгилишда бир қурилиш ташкилоти бошлиғи Кўприкбоев билан ёнма-ён ўтирарди. Бирдан минбардан катта хўжайин Шораҳим Умидбоев уни савалай бошлади:

- Кўприкбоев сира одам бўлмади. Бажарган иши кулчанинг тешигидай. Топшириқлар ууддаланмаган. Нима билан шуғулланади бу одам?
- Кўприкбоев секин Адҳам аканинг кулонига шивирлайди:
- Акажон, нима қилай, хўжайин ғирт ёлғонни ёдириятти. Топшириқлар бажарилмаган куннинг ўзи йўқ. Аммо ерга ургани-урган.
- Адҳам ака секин унинг кулонига энгашади:
- Қобилжон, уйда кўчқордан борми?
- Иккита думбалик кўчқорим бор.
- Хўжайиннинг ховли-жойини биласизми?
- Ҳа, нимаиди?
- Билсангиз, эрта тонгдаёк кўчқорлардан бирини хўжайиннинг ховлига етакланг. Думбасига исми-шарифингизни ёзиб, дарвозадан киргизиб юборинг. Ана кўрасиз, натижа қандай бўлади.
- ...Набатдаги чорак якунига доир йнгилиш.
- Катта бошлик яна гапни Қобилжон Кўприкбоевдан бошлади.
- Мана, хурматли ўртоқлар, халол ва очиқ танқиддан мухтарам укамиз Қобилжон Кўприкбоев ўзгарди. Тўғри хулоса чиқарди: топшириқларни юз фоиз бажариб, юзи ёруғ бўлди.
- Ё, тавба, Адҳам ака, қаранг, хўжайин мени мактаяпти...
- Қобилжон, минбарда хўжайинмас, думбали кўчқор гапиряпти, — деди қувлик билан Адҳам Ҳамдам.

«Ренессанс» кроссворди



ЭНИГА: 1. Туя (қадим). 3. "Бахил эхсондан кочар, ... мехмондан кочар" (мақол). 6. Она томондан қариндош. 8. Юрак. 10. Хамелеон. 13. Ривоят қилувчи. 16. Қовун нави. 17. Жиззахдаги канал. 18. Туркий қабила номи. 19. Шарқ яккакураши. 22. Тоғда ўсадиган доривор гиёҳ. 24. Тўғри бурчакли учбурчак, гипотенуза, ... 25. Борйўни, шугина. 29. Уйғониш даври. 31. Қуш ва мева номи. 32. Тинчлик, ярашиш. 33. Менделеев даврий тизимининг VII гуруҳига мансуб жуда қийин эрувчи ва ўта оғир металл. 34. Сабзи (шева).

БўЙИГА: 1. Жуфт туёқли ёввойи хайвон. 2. Расмли бошқотирма. 4. Мамлакатимиздаги футбол жамоаларидан бири. 5. Хорижий авто русуми. 6. Чех трамвайи. 7. Олов, гулхан. 9. Мучаллардан бири. 11. Махсус тиббий-профилактик муассаса. 12. Қадимги Юнонистон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатилган маҳабатли бино. 14. Жисмонан кудратли, пахлавон. 15. Қўй тури. 20. Фотосуратлар билан ишловчи компютер дастури. 21. Эракларнинг астарсиз қийими. 23. Қўшни, армия (қадим). 26. Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидан бири. 27. Болтиқбўйидаги қурут шахар. 28. Кавказдаги миллат. 30. Тамға, белги.

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

Обуна давом этмоқда

- Ҳурматли газетхонлар! "Xabar"га иккинчи ярим йил учун обуна давом этмоқда.
- Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот таркатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.



<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хурийд МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДҲОДЖАЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масбул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>																											
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Набатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>																											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатта олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўроғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 16517 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>																										
<p>Вилоят мухбирлари:</p> <table border="1"> <tr> <td>Андижонда</td> <td>Бухорода</td> <td>Гулистонда</td> <td>Жиззахда</td> <td>Навоийда</td> <td>Наманганда</td> <td>Нукусда</td> <td>Самарқандда</td> <td>Термизда</td> <td>Тошкентда</td> <td>Урганчда</td> <td>Фарғонада</td> <td>Қаршида</td> </tr> <tr> <td>226-47-80</td> <td>223-27-85</td> <td>40-12-19</td> <td>226-06-34</td> <td>225-91-10</td> <td>232-97-86</td> <td>554-35-45</td> <td>233-61-81</td> <td>224-06-12</td> <td>288-40-66</td> <td>226-37-16</td> <td>224-91-56</td> <td>314-08-99</td> </tr> </table>					Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	314-08-99
Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида																		
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	314-08-99																		